

Тақво билан фатвони ўртасида қандай фарқ бор?

20:57 / 24.04.2016 2768

Ассаламу алайкум ва раҳматуллоҳ, Устоз! Саволим бор эди...

Тақво билан фатвони ўртасида қандай фарқ бор?

Саволим такрор ё ноуърин берилган бўлса мени кечирасиз...

Жавоб: Тақво – Аллоҳнинг айтганини қилиб, қайтарганидан қайтишдир.

- Фатво – маълум бир кичик масала бўйича диний ҳукм чиқаришдир.

- Баъзи вақтда бир ишнинг икки хил ечими бўлади. Фатво бўйича қилса бўлади. Аммо тақво қиламан деган одам ўша ишни амалга оширмагани яхши бўлади. Шунинг фалон нарса фатво бўйича мумкин, тақво бўйича қилмаган афзал дейилади.